

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (11.314)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Янги йил арафасида Самарқанд шаҳрида 64 та ёш оила уйли бўлди. Улар учун барча қулайликка эга бўлган уй-жойларни «Камила» ишлаб чиқариш-тижорат ҳамда «Сампрестрой» МЧЖ қурувчилари бунёд этишди.

• Янги йил арафасида Хатирчи туманида тиббиёт коллежи иш бошлади. 540 ўринли ўқув биноси ва 120 ўрнили ётоқхонага эга мазкур ўқув даргоҳини «Зилола пойдевори» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этдилар. Уч қаватли коллежда спорт зали, ошхона, маънавият хонаси билан бирга, ахборот-ресурс маркази ва компьютер технологияси мажмуи ҳам мавжуд.

• Тошкентдаги Ёшлар ижоди саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2008 йил якунларига бағишланган он-лайн конференцияси ўтказилди. Унда юртимиз маданияти ва санъати намояндalарини ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари қатнашиб, интернет орқали келиб тушган икки мингдан зиёд саволларга жавоб қайтарилди.

• Сурхондарё вилояти ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан ёш қаламкашларни қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида уюштирилган «Меҳрим сенга, зеҳним сенга, Ватаним» кўрик-танловининг якунлари эълон қилинди.

• «Ўзстандарт» агентлиги томонидан аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти» кўрик-танловида Шўртангаз кимё мажмуаси голиб деб топилди. Ушбу илғор жамоа ўзининг суялтирилган ва товар газ, кондендат, техник олтингурт, полиэтилен гранулалари ҳамда тайёр полиэтилен маҳсулотларига «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти» белгисини қўйиш ҳуқуқига эга бўлди.

• Янги йил байрами кунлари Нукус шаҳрига қарашли «Саманбай» кўрғонида замонавий супермаркет иш бошлади. Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Янги дўкандан озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмларини харид қилиш мумкин.

• Сирдарё вилоятида «Миллий либослар ва ёш дизайнерлар» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда саккиз нафар тикувчи ва дизайнер ўз билими, истеъдод ва маҳоратини намойиш этди. Улар яратган турли либослар, дизайн ва лойиҳалар, иштирокчиларнинг Ватанимиз тарихи, миллий аънава ва урф-одатларимиз борасидаги билим ва кўникмалари ҳакамлар томонидан синчковлик билан баҳоланди.

ЖАҲОНДА

• Бельгиянинг Брюссель шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо 27 давлатнинг ташкилотдаги доимий вакиллари учрашуви бошланди. Унда Европани Россияга газ билан таъминлаш муаммоси муҳокама этилмоқда. Учрашувга раҳбарлик қилувчи Чехия бош вазири Александр Вондра Россия ва Украина ўртасида юзага келган газ низоиси бўйича Европа Иттифоқи бIRON бир давлат манфаатини ҳимоя қилмаслигини айтган.

• Кеча Франция Президенти Никола Саркози Миср давлати раҳбари Хусни Муборак билан Ҳазо секторидagi вазиятни муҳокама қилди.

• Иордания қироллиги Исроил ҳукумати Ҳазо секторида зўравонлик қилишда айбломқда ва ушбу мамлакат билан муносабатларини қайтадан кўриб чиқмоқчи.

• Ниҳоят кеча Исроил Ҳазо секторида қурраи заминдан келадиغان инсонпарварлик юкларини ўтказиш учун гуманитар йўлакни очди.

• Кеча Фаластиннинг ХАМАС гуруҳи делегацияси Ҳазо секторидаги низоини бартараф этиш юзасидан музокараларда қатнашиш учун Кохирага келди.

• Кеча жаҳон товар биржаларида ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи беш фоизга ошганлиги кузатилди. Жумладан, Нью-Йорк биржасида бир баррел қора олтиннинг нархи 48 долларга етди.

• Покистон шимоли-шарқида полициячилар атрофида камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши натижасида етти киши ҳалок бўлди, 25 киши тан жароҳатларини олди.

• Ҳиндистон 2008 йил ноябрь ойи охирида Мумбайда содир этилган террорчилик ҳаракатларида Покистон фуқароларининг қўли борлиги ҳақидаги маълумотларни покистонлик дипломатларга топширди. Мазкур ҳужжатда Ҳиндистон томони суд-тергов ишида Покистоннинг ҳамкорлик қилишига умид боғлашини билдирган.

• Франция ҳарбий денгиз кучлари Адан кўрғонига сомалилик қароқчилар томонидан 2 та юк кемасига амалга оширилган ҳужумни бартараф этишди. Қароқчилардан қутқариб олинган кемалар Хорватия ва Панама давлатларига тегишли бўлиб тўқнашувлар чоғида 19 нафар босқинчи қўлга олинган.

• Сўнги маълумотларга кўра, АҚШда 2008 йилнинг декабрь ойида 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан автомобиллар сотиш ҳажми 35 фоизга камайган. Автомобиллар бозоридаги бу каби ҳолат Европада ҳам рўй берди. Мазкур қитъада машина савдоси 8,2 фоизга камайган.

Кўшма корхоналарда

ЛОЙИҲА ҚУВВАТИ ОРТАДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА АВТОМОБИЛСОЗЛИК САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. АЙНИҚСА, МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЭЪТИЁТ ҚИСМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ ҲАМ ЎЗЛАШТИРИЛГАНЛИГИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚДИР.




Ўтган йилда ўз фаолиятини бошлаган «TOSHAFUS» Ўзбекистон-Корея кўшма корхонасида мамлакатимиздаги «GM UZBEKISTAN» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «NEXIA» ҳамда «MATIZ» русумли автомобиллар учун иссиқлик насослари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур кўшма корхона энг замонавий, яъни компьютерлаштирилган ҳамда ярим автоматлашган дастгоҳлар қувватидан фойдаланган ҳолда маҳсулот тайёрлайди. Корхона бир сменада «NEXIA» автомобиллари учун 800 та, «MATIZ» лар учун эса 600 та иссиқлик насослари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, малакали мутахассислар меҳнати билан тайёрланган килишда қўл келмоқда.

Илгарилари Жанубий Кореянинг «KAFUS» компаниясидан сотиб олинган тайёр насослар ҳозирда ўзимизда тайёрланаётгани автомобилсозлар учун қулай ва самарали бўлди.

Жорий йилни муваффақият билан бошлаган кўшма корхона тадбиркорлари бензонасослар учун катта пластмасса эҳтиёт қисмларини тайёрлаш чехини ишга туширишни режалашган. Бунинг учун ҳамкорлар билан керакли жиҳозлар келтиришга келишиб олинган.

Кўшма корхона базасида бош директор, техника фанлари доктори профессор Конгратбой Шарипов раҳбарлигида ва Тошкент автомобиль йўллари институти про-



фессорлари иштирокида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Бундай изланишларнинг самараси, албатта янги маҳсулот турларида яққол ўз ифодасини топди. Корхонага ўрнатилган энг замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватига, ўзлари тайёрлаётган эҳтиёт қисмлар сифатига ишонган мутахассислар Янги йилда янада янги режаларни кўзлашмоқда. Улар «LASETTI» энгил автомобиллари учун ҳам насослар йиғиш участкасини ишга тушириб, лойиҳа қувватини йилига 240 мингта насос тайёрлашга етказишмоқчи. Импорт ўрнини босувчи рақобатбардос маҳсулотларни тайёрлаб, маҳаллийлаштириш дастурига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган кўшма корхона тадбиркорлари жорий йилда буюртмаларни тез ва сифатли адо этишади.

Шарифа ИЛЕСОВА

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

14 январь — Ватан химоячилари кунини

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

МАМЛАКАТИМИЗДА 14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИНИ КЕНГ НИШОНЛАШГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА. ЎЗБЕКISTON МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ҲАМ БУ БОРАДА ТЕГИШЛИ ИДОРА ВА МУАССАСАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛАЙТИР. АНА ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БИРЛАШГАН ТЕХНИК МАКТАБДА БЎЛИБ ЎТДИ.

ва истиқлол юлларига садоқат руҳида тарбиялаш, миллий армиямизда ҳар томонлама соғлом, билимли, юксак маънавиятли ёшлар хизмат қилишини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти-

нинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Иззат Яманов. — Чақирилувчиларнинг ҳарбий соҳага оид кўникмаларини шакллантириш, мuddатли ҳарбий хизматдаги ёшларнинг эгаллаган билим ва малакасини янада бойитишга қаратилган тад-

бирлар доирасида аскар ва курсантлар, лицей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Каска сатрларда

• ЎЗБЕКISTON Бадий академиясида ташкиллаштирилган «Сурхон оҳанглари» сўзанаalar кўргазмаси санъат иштиқомдларида илиқ таассурот қолдирмоқда.

• ЭРТАГА Ҳамза туманидаги 103-маҳсул болалар мактаб-интернатида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида ўтказиладиган янги йил байрам тадбири туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилмоқда.

• ТОШКЕНТ Ахборот технологиялари университети маҳсул факультети ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир 14 январь —Ватан химоячилари кунига бағишланди.

• ЭРТАГА Миробод туманидаги Фафур Фулом номидаги маданият уйида сартарошлик курси ташаббуси билан «Очик дарс» ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

• 4 ЯНВАРДА шахримиздаги умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўртасида фан олимпиадасининг иккинчи босқичи бошланди.

• ТОШКЕНТ олий умумқўшун кўмондонлик билим юртида ўтказилган брифингга ёшларга ҳарбий таълимдан сабоқ беришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилаётганини таъкидлаб ўтилди.

• РЕСПУБЛИКА истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясида ўтказилган тадбир истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўтган йилда бажарилган ишлар ҳамда жорий йил режаларига бағишланди.

• ЧИЛОНЗОР туманида аҳоли учун коммунал хизматининг янги туридан фойдаланила бошланди. Бу ҳақда «Коммунал хизмати Кравс» очик акциядорлик жамиятида ўтказилган йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

• 23-МЕХРИБОНЛИК уйи янги йил арафасида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

• ТОШКЕНТ Давлат техника университети аспиранти Собиржон Исомовнинг қуёш энергиясидан фойдаланишнинг самарали усулига бағишланган тадқиқоти Москвада ўтказилган ёш олимлар анжуманида юқори баҳо олди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ КОНЦЕРТИ

Янги йил тантаналари давом этаётган шу кунларда Лондон шаҳри марказидаги Қироллик музика академиясида Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ёш музикачиларининг «EQUIPES de Sogdiana - 2» («Сўғдийна гуруҳлари - 2») деб номланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган ушбу тадбирда Британиянинг расмий, маданий жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

Буюк Британия маданий доираларидаги таълим санъат арбоби Нахко Ватанабе хоним концертининг ижрочи продюсери бўлди. Ўзбекистондан мазкур дастурда уч нафар пианиночи — ака-ука Нурон ва Науфал Муқимий ҳамда Нафис Умарқуллова иштирок этишди. Концертга ташриф буюрган томошабинлар бир овоздан юртдошларимизнинг истеъдоди ва ижро маҳорати қатнашчилар орасида алоҳида ажрاليا турганини эътироф этишди. Ўзбекистонлик музикачилар томонидан Иоганн Себастьян Бах (Токката), Ференц Лист («Хоровад гномов» концертдан этюд), Александр Скрябин (Соната-фантазия №2), Клод Дебюсси («Гренадада оқшом» ва «Емгир ости-

даги боғлар») каби буюк композиторларнинг асарлари маромига етказиб ижро этилди.

Ёш пианиночиларимиз Тошкентдаги Успенский номили Республика ихтисослаштирилган музыкалий академик лицейи битирувчилари бўлиб, ҳозирги кунда Қироллик музика академияси ҳамда Британиядаги етакчи халқаро музика мактабларидан бири бўлган «Purcell Scholl of Music» да таъхил олишмоқда. Улар Европанинг қатор давлатлари, АҚШ ва Россиядаги турли музика анжуманларида муваффақиятли иштирок этишган.

Концертдан сўнг ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Нахко Ватанабе хоним мазкур тадбирнинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад Марказий Осиё давлатларидаги ёш авлод вакилларининг имконият ва истиқболларини британиялик музика ихтисомандларига намойиш этишдан иборат бўлганини таъ-

кидлади. «Музика чегара билмайди, у халқлар ўртасидаги мулоқот воситасидир. Шу боис ҳам мана шу каби тадбирларни ташкил этиш айниқса муҳим аҳамиятга эга, — деди Ватанабе хоним. — Ўзбекистонлик ёш музикачилар бугун ўзларининг нақадар юксак маҳорат эгалари эканини намойиш этишди. Уларнинг келажакда порлоқ эканига ишончим комил».

Лондондаги Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактабининг профессори Ширин Акинер хонимнинг сўзларига кўра, унга Нурон Муқимийнинг ижроси айниқса маъқул келди. «Нурон эндигина 12 ёшда бўлишига қарамай, Бахнинг мураккаб музикаий асарларини муҳирона ижро этгани мени хайратга солди, — дейди Ш. Акинер хоним. — Ўзбекистон ҳуқуқати ёш авлод вакиллари музика ва санъатнинг қўлбал турларида ўз қобилиятини намойиш этишини қўллаб-қувватлаб келаятгани таъ-

синга сазовор. Ёш авлодга бўлган эътибор — бу мамлакат келажакига йўналтирилган бебаҳо сармоя бўлиб, айнан мана шу эътибор ўз санъати билан келажакда бутун дунёни хайратга соладиган Нурон Муқимий каби ёрқин истеъдодли музикачилар авлодининг юзага келишига хизмат қилади».

Концерт ижрочиларидан бири — «Purcell Scholl of Music» музика мактаби ўқувчиси Науфал Муқимий Ўзбекистон санъатининг Британия ва Европанинг бошқа давлатларида намойиш этиш ўзи учун улкан шараф эканини таъкидлади. «Британияда таъхил имкониятини бергани учун Ватаним олдида таъзим қиламан. Ўзимга билдирган ишончини оқлашга ва музика соҳасининг юксак чўқиларини забт этишга астойдил ҳаракат қиламан», — деди Н. Муқимий.

«Жаҳон» АА,
Лондон

